


**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА
КИМЁВИЙ ВА БИОЛОГИК
ВОСИТАЛАРДАН ОҚИЛОНА
ФОЙДАЛАНИШДА ЯНГИ ВА
ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ҚЎЛЛАШ.**

- Фермер хўжаликларида кимёвий-биологик воситалардан фойдаланишни ташкилий-хўжалик тадбирлари, асосан, зарарли организмлар учун ноқулай яшаш шароитини вужудга келтириш ва қўлланилишини замонавий технологиясини илмий изланишлар, лабораторияларда текшурув ишларини олиб бориш ва уларни экин майдонларига ўтишини камайтиришга қаратилган

Ўсимликларни кимёвий-биологик ҳимоя қилишни уйғунлаштириш.



Агротехник тадбирлар экинларда хавф-хатар туғдирадиган миқдорда зарарли организмларни пайдо бўлиши олдини олади, хусусан:

- зараркунандаларга чидамли бўлган навларни экиш;
- экинларни алмашлаб экиш;
- тупроққа ишлов бериш ва ўсимлик қолдиқларидан тозалаш;
- экинларни ўз вақтида экиш ва қатор ораларига ишловлар бериш;
- муддатида суғориш ва белгиланган миқдорда ўғитлаш.

Агротехник тадбирлар турли
усуллардан ташкил топади.

◎ **Алмашлаб экиш.**

Далаларни текислаш

Дефолиация ва десикация ўтказиш

- Тадқиқотларнинг ҳозирги босқичида тавсия қилинадиган инсектицид ва акарицидларнинг турини ҳам, зараркунандаларга қарши кураш тизимини такомиллаштириш ишида ҳам, бирмунча муваффақият қозонилганини қайд этиш мумкин. Булардан фойдаланиш кимёвий усулда ишлов бериладиган майдонлар ҳажмини қисқартиришга ва ўстирилаётган экинларни тўлиқ сақлаб қолишга имконият яратади. Улар қўйида келтирилади:
- **инсектицидлар** (insectum–ҳашарот)–ҳашаротларга қарши. Булар ўз навбатида тухумларни йўқотувчи **овицид**(ovum–тухум), личинка ва қуртларни йўқотувчи **ларвицид**(larva–қурт), ҳамда ўсимлик шираларига қарши ишлатиладиган ихтисослашган препарат–**афицид** – (aphis–ўсимлик шираси) бўлиши мумкин;

- **акарицидлар** (acarus–кана)–ўсимликхўр каналарга қарши;
- **фунгицидлар**–(fungus–замбуруғ)–замбуруғчақирадиган касалликлар-га қарши;
- **бактерицидлар**–(bacterio–бактерия)–бактерия сабабчи бўлган касалликларга қарши;
- **гербицидлар** (herbi–ўт)–бегона ўтларга қарши ишлатиладиган воситалар;
- **нематицидлар** (nematos – чувалчанг) – думалоқ чувалчангларни қириш учун ишлатиладиган заҳарли моддалар;
- **зооцидлар** (zoon – ҳайвон) – кемирувчи ҳайвонларни ўлдириш учун ишлатиладиган моддалар.

- баъзи препаратлар, бир йўла инсектицид ва акарицид сифатида таъсир қилиши мумкин (данадим, бензофосфат, каратэ, циперфос ва б.).
- заҳарлаш усули жиҳатидан инсектоакарицидлар зараркунандаларга ичдан, сиртдан ва фумигант (газ сифатида) таъсир кўрсатиши мумкин. **Ичдан таъсир этувчи препаратлар** озуқа билан бирга тана ичига кирганида зараркунандани заҳарлайди. **Сиртдан таъсирқиладиган заҳарлар** териға тушганида, шунингдек озуқа билан бирга зараркунанданинг ичига кирганида уни заҳарлайди. **Фумигантлар** нафас йўллариға газ ёки буғ ҳолида кирганда вужудни заҳарлайди.
- Мазкур тасниф баъзи жиҳатлардан шартлидир, чунки айрим инсектицидлар икки, ҳатто уч хил хоссаға эға бўлади. Масалан, карбофос сиртдан ҳам, ичакдан ҳам, нафас олиш йўллари орқали ҳам таъсир қила олади.